АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ОБРАЗ МАНБАИ СИФАТИДА

О.Каримов

Анализируя стилистические особенности лирики Абдуллы Арипова, автор статьи рассматривает природу как источник создания метафор в творчестве поэта.

Analyzing stylistic features of Abdulla Aripov's lyrics, the author of article considers nature as a source of creation of metaphors in creativity of the poet.

Абдулла Ориповнинг йигитлик даврида ёзган "Куз хаёллари" шеърида "Бир ҳикмат ўқийман хазонларда мен: "Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен" деган сатрлар бор. Менимча, бу мисраларда шоир бадиий тафаккурига хос муҳим хусусият акс этади. Зеро, Абдулла Ориповнинг илк ижодида чор-атрофга шоирона ўткир нигоҳ билан боқиб, ундан ҳикмат уқаётган лирик қаҳрамонга қайта-қайта дуч келамиз. Шоир табиат билан инсон, унинг ўй-ҳислари, қувонч-ташвишлари, кайфияти орасида ўхшашликлар топади ва шу ўхшашликлар ёрдамида дилидагини изҳор қилишга интилади. Ҳеч шубҳасиз, бу ёш шоирга берилган улкан иқтидордан нишона эди. У илк шеърлариданоқ оддийгина изҳор эмас, поэтик изҳорга ҳаракат қиладики, айни шу нарса фитратида санъаткор яшаётганидан дарак берган ва, балки, кўпчиликда истеъдоднинг порлоқ келажагига умид уйғотган асосий омилдир.

Абдулла Орипов ўзининг таржимаи ҳолида шундай деб ёзади: "баҳор пайтларида бу ерларга ёғин кўп тушар, Қўнғиртов этаклари минг хил ўт-ўлан, чучмомаю қизғалдоқлар билан, қуёнтўпиғу исмалоқ билан, каррагу ҳазориисфанд билан, қўзигуллар билан қопланар, атроф-теварак жаннатий бир манзара касб этарди ... Ўша Қўнғиртовда бизнинг болалик йилларимиз ўтган. Баҳор келганда ҳавони ўт-ўланнинг ёқимли хушбўй ҳиди қоплар, шаррос ёмғир қуйганда биз тоғ чўққиси унгуридаги кичик-кичик ғорларга бекиниб олардик. Ўша юксакликдан шимол тарафдаги ям-яшил бепоён кенгликларни томоша қилар эдим, тўйиб-тўйиб нафас олардим. Айниқса, бу жойларда жануб кечалари, юлдузли осмон ниҳоятда гўзал бўлар эди. Тим қора осмонда қўл чўзсанг етгудек улкан-улкан новвотранг юлдузлар чарақлаб туради. Ҳаётимда бундай гўзал манзараларни кейин учрата олмадим" [1.6].

Шоир хотирасида тикланаётган ҳайрат унинг кўплаб шеърларидан, айниқса, "Баҳор", "Қарши қўшиғи", "Сен баҳорни соғинмадингми?" каби машҳур шеърларидан ўқувчиларга яхши таниш. Яъни айтмоқчиманки, табиатга меҳр, унинг гўзаллиги олдида завқ ва ҳайратга чўма олиш шоирга болаликдан хос бўлган. Шунинг учун ҳам унинг илк шеърлариданоқ табиат образли ифода учун жуда бой манба бўлиб хизмат қилган.

Абдулла Ориповнинг илк ижодига оид шеърларни кузатсак, уларда ижодий тажриба етишмаганидан шеъриятимизда анъанавий тарзда ишлатилиб келган ташбеҳлару сифатлашлар кўп учрашига гувоҳ бўламиз. Албатта, бу табиий, чунки бошловчи ижод-корда ўз йўлини топгунга қадар салафларга эрга-

шишга мойиллик, ўз овозини баралла қўйишга ийманиш, иккиланиш (психологлар тили билан айтганда “комплексланиш”) ҳислари, бўлади. Шоирнинг ўзи мактаб давридаги ижоди ҳақида: “У маҳаллардаги менинг шеърларим мавзу тарафдан ҳам, шаклий жиҳатдан ҳам, албатта, тақлид эди” [1.8] дея эътироф этади. Ҳақиқатда ушбу эътироф мактаб даврининг ўзигагина эмас, ижодий фаолиятининг илк босқичига ҳам муайян даражада тааллуқли. Анъанавий сифатлашу ташбеҳлар ва метафораларнинг кенг қўллангани ҳам, аслида, шу сабаблидир. Масалан, илк шеърларда ишлатилган “хаёл дарёси”, “шалоладек бўлса шеърларим” (“Учқун”); “юлдузлар чамани”, “ипак из”, “осмон гумбази”, (“Юлдузлар”); “пар булутлар”, “марварид қорлар”, “қуёш қўяр ёстиғига бош”, “шўх шалола”, “ой сузади кўм-кўк самода” (“Тоғлар”); “баҳор келди гул сепин ёйиб”, “қир-адирда кўк майса – гилам”, “бутоқларда жилмаяр куртак” (“Баҳор”) каби тасвир воситаларини оригинал деёлмаймиз, уларда Ойбек, Ҳамид Олимжонлар таъсири борлгини сезилади. Айни чоғда, чинакам истеъдод тақлид доирасида қололмайди, илк қадамларданоқ ўзини намоён этишга интилади. Шунинг учун ҳам илк шеърлардаёқ шоир санъаткорона нигоҳ билан кўрганларини ўзига хос тарзда ифодалашга интилаётгани, изланаётганини кўриш мумкин. Масалан, “Юлдузлар” шеърида шундай тасвир бор: “Осмон гўзалларин кумуш ётоқлар Қўйнига чорлайди, субҳидам яқин”. Агар “осмон гўзаллари” контекст доирасида юлдузларни англатса, “кумуш ётоқлар” оқ булутларни билдиради. Демак, шоир саҳарга томон юлдузлар бир-бир ўчиб боришини уларнинг уйқуга кетишига ўхшатмоқда. Кўриб турибмизки, бу ўринда метафора-кўчимлар ёйиқ метафора – метафорик образ яратишга хизмат қилдирилмоқда. Яъни биз юқорида яхлит бир образни парчаладик, уни қисмлар (“осмон гўзаллари” ва “кумуш ётоқлар)га ажратдик. Ҳолбуки, улар ўзаро бир бутунликни ташкил қилади. Ҳар қандай қисмлардан таркибланган бутунлик каби бунда ҳам қисмларнинг ўзаро алоқа-муносабати мавжуд, шу алоқа туфайли бутуннинг мазмун-моҳияти юзага чиқади. Аввал юлдузлар “гўзаллар”га ўхшатилади, бу эса булутларни “кумуш ётоқ”қа ўхшатишга асос бўлади ва бари бирликда тасаввуримизда субҳидамги осмон манзарасини жонлантиради.

Хуллас, шоир ўзи эътироф этган тақлид даврини қисқа фурсатда босиб ўтди, 60-йилларнинг ўрталаридан Абдулла Орипов шеърларидаги метафораларда услубий ўзига хослик бўртиб кўзга ташланади. Машҳур “Баҳор” шеърини, ундаги гўзал тасвирларни эслайлик:

Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,
Офтоб ҳам юксалди – тик келар қуёш.
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кифтин,
Безавол майса ҳам силкитади бош.

Шоир “еллар”, “тоғлар” ва “майса”га инсонга хос хусусиятларни бермоқда. Эътиборли томони, бу хусусиятларнинг бари ҳаракатга чоғланган инсонга хос (“кафт ишқаламоқ”, “кифтини кўтармоқ”; “бош силкимоқ” – ҳаммаси муҳим иш олдидаги чигилёзди машқлар каби). Яъни метафоралар шеърнинг умумий мазмун-руҳига монанд, узукка кўз қўйгандек тушган. Бу эса шоирнинг юксак диди, сўз қўллашга масъулият билан ёндашишидан далолат беради. Нега десангиз, бу ўринда шоир учун метафора шунчаки чиройли ифода бўлмай, балки, энг аввал муайян мазмун-кайфиятни ифодалаш воситасидир.

Аслида ҳам шундай бўлиши керак, чунки “бадиий тасвир ва ифода воситалари бадиий тилнинг белгиловчи хусусияти эмас, балки белгиловчи хусусият бўлмиш образлилик (тасвирийлик) ва эмоционалликни кучайтирувчи унсурлардир” [2.121]. Яъни улар тасвирнинг ёрқинроқ, ифоданинг жонлироқ бўлишига хизмат қилади. Яна “Баҳор” шеърига мурожаат этамиз:

Мана, гулга чўммиш Чиғатой бўйи.
Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор,
Ўчган хотиралар чироғин ёқиб.
Қарайман, қабрлар ястанмиш қатор,
Маъсум бинафшадан сирғалар тақиб.
Кимнингдир кўксига энгашганча гул
Мармар сағанадан ўқиб турар байт.

Фикримча, парчага яхшилаб разм солсак, “Баҳор” шеърининг бунчалик таъсирчан бўлишини таъминлаган асосий сабаблардан бирини англаймиз. Қаранг, танланган сўзлар, шу сўзлар яратаётган манзараю кайфият ҳолатга қанчалар мос! Бу сатрларни ўқиркан, ўқувчи хаёлан қабристон – “сокин эл”да баҳор билан бирга “ивирсиб”, “ўчган хотиралар чироғини ёқиб” юради. Нега энди “ивирсиб”? Назаримда, мозор оралаб юрган одамга шу сўз кўпроқ мосдек: қабристонда киши ажиб сокинлашиб қолади, ҳеч шошмай, йўқотганлари эса бир-бир ёдга келаверади, бириси иккинчисини ёдга келтиради, олалатмай йўқлагиси келади ҳаммасини. Билмадим-у, бу ҳолга “ивирсиш”дан мосроқ сўз йўқдек туюлади. Ҳолбуки, аслида “ивирсимоқ”да салбий бўёқ кучли эмасмиди? Шундай, лекин манзара-кайфият контекстида сўз-метафора янгича бир маъно қиррасини намоён этади. Худди шу гапни “ястанмоқ” метафорасига нисбатан ҳам айтиш мумкинки, у сўз манзара-кайфият контекстида “ивирсимоқ” сўзи билан ўзаро мутаносиблик, мувофиқлик (мумтоз шеъриятдаги таносуб санъати каби) ҳосил қилади. Хўш, бу мутаносиблик қандай юзага чиқади? Аввало, “ястанмоқ” сўзида “бемалоллик”, “хотиржамлик” маъно қирралари – семалари мавжуд ва улар “ивирсимоқ”да мос семаларни актуаллаштиради. Яъни “ястанмоқ” сўзи билан

контекстуал алоқа “ивирсимоқ” сўзидаги салбий маъно оттенкасини сўндиради. Эътироз бўлиши мумкин: “ястанмоқ” сўзининг ўзида ҳам бироз салбий оттенка (масалан, “ястаниб ётмоқ” – “талтайиб ётмоқ” каби) мавжуд эмасми? Ҳа, бор, лекин уни контекстдаги “сокин эл” метафораси сўндириб, бошқа, айни ҳолат учун мос “бемалоллик”, “хотиржамлик” семаларини актуаллаштиради. Ахир, “сокин эл”нинг шошадиган жойи йўқ, демак, то маҳшаргача бемалол “ястаниб” ётавериши мумкин. Шу тариқа “ивирсимоқ” ва “ястанмоқ” сўзларининг ўзаро мутаносиблиги ҳосил бўлади. Таҳлилимиз кўрсатяптики, метафора якка ҳолда эмас, матндаги бошқа сўзлар (бошқа турдаги кўчимлар) билан бирликда образни тўлақонли намоён этади. Бошқача айтсак, метафораларнинг ўзаро мазмуний алоқа-муносабати келтирилган парчада биз айтгган манзара-кайфиятнни ҳосил қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу алоқа-муносабат туфайли метафоранинг кўзда тутилган маъноси актуаллашиб, конкретлилик касб этади. Амин бўлдикки, бу ҳам бир маҳорат, бир санъаткорлик. Моҳирона танланган сўзлар, жонли тасвир ўқувчини юқорида биз тавсиф этган ҳолатга олиб киради, шоир билан дунёнинг фонийлиги, умрнинг ўткинчилиги ҳақидаги ўйларга толдиради.

Абдулла Орипов сўз билан чизган табиат манзараларида лирик кайфият муҳрланади, уларда объектив тасвирдан кўра субъектив тасвир – воқеликни кўнгилдан ўтказиб бериш устувор. Шу сабаб бўлса керак, унинг шеърларида жонлантириш асосидаги метафоралар, яъни табиатни инсонга хос сифатлар бериб (персонификация) тасвирлаш салмоқли ўрин тутади. Шоир шеърда тилга олганки нарса, унинг учун катта эмоционал қиймат касб этади: ўй-ҳисларига йўғрилади, ўй-ҳисларига туртки беради. “Хотирот” шеърини ёдга олинг. Узоқ айриликдан сўнг қишлоғига келган лирик қаҳрамон нигоҳи тўхтаган нарсалар: “кўмилиб кетган сўқмоқ”, қачондир теракка ўйиб ёзилган ва ҳозирда “жароҳатдай битиб кетган ёзув”, аллақачон бузилиб кетган “ҳовли ортидаги омонат кўприк”. Бир қарашда шеърнинг бошланишида булар гўё шунчаки пейзаж деталлари, ўн йил мобайнидаги юз берган ўзгаришлар қайди каби зикр этилади:

... Мен юрган йўлларда ўтлар унибди,
Кўмилиб бўлибди мен кезган сўқмоқ.

Ёшлик чоғим эди, шўхлигим тутиб
Исмим ўйган эдим битта теракка.
У ҳам жароҳатдай кетибди битиб,
У ҳам юксалибди менсиз юксакка.

Бузилиб бўлибди аллақайси дам
Ҳовли ортидаги омонат кўприк...

Шеърнинг илк сатрларидаёқ энди-энди идрок этилаётган йўқотишлар залворидан эзилган қалб титроқлари сезилади ва бу титроқ беихтиёр ўқувчига кўчади. Натижада сиртдан оддийгина зикр этилишдаги ҳиссий тоналлик ўқувчида “булар шунчаки деталь эмас, балки шоирнинг дил тубидаги азиз ва табаррук тушунчаларга алоқадор”, деган иштибоҳни ҳосил қилади. Яъни, ўқувчида бадиий рецепция жараёнига хос “эстетик кутиш” ҳолати юзага келади. Негаки, лирик қаҳрамон каби ўқувчи қалбини ҳам “ногоҳ бир сукут босади”, “дилини ногоҳ бир ҳаяжон эзади”. Шу рецептив ҳолатни ҳосил қилгач, энди ўша оддийгина деталлар метафорик асосда лирик қаҳрамоннинг изтиробли мушоҳадаларига туртки беради: “Умрим йўлларини босмаганми ўт?” – “Бағрига исмимни ёзган бўлса гар, Ўчирмадимикан бирорта юрак” – “Ногаҳон бузилиб кетмадимикан, Бирорта юракка мен солган кўприк?” Кўриб турганимиздек, шеърнинг бошланишида пейзаж деталлари бўлган унсурлар энди метафорик мазмун касб этади. Демак, “Хотирот” шеъри метафорик тафаккур асосига қурилган, метафора шеър композициясини белгилаган асосий омилдир дейишга тўла асосимиз бор.

Юқоридагиларни хулослаб айтиш мумкинки, Абдулла Орипов шеъриятида табиат метафорик тафаккурга туртки берувчи куч, образли ифода ва метафорик образларга хом ашё берувчи туганмас манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1.Орипов Абдулла. Танланган асарлар. 1-жилд.- Т., 2000
2. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш.- Т., 2007
3.Қўшжонов М.,Мели С. Абдулла Орипов .-Т.,2000
4.Шарафиддинов О.Биринчи мўъжиза. –Т., 1979
5.Акрамов Б.Шеърият гавҳари. (Лирикада образ муаммоси). – Т.,1979
6.Норматов У.Ижодкорнинг дахлсиз дунёси.- Т.,2008
7.Шаропов А.Оламлар ичра оламлар.- Т.,1978

Наманган давлат университети,
2010 йил 6 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)